

## ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА ЯПОНИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ JAPAN'S ECONOMIC DIPLOMACY IN THE MODERN STAGE



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8091647>

**АЛИМОВ Оқилиддин**

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), ТДШУ

### ABSTRACT

*This article describes the development trends of Japanese economic diplomacy, the role of economic diplomacy in promoting national interests, specific aspects of Japan's global and regional foreign economic activities, political and legal bases of foreign economic activities. Also, Japan's economic diplomacy within the framework of international and regional organizations, integration associations, traditional and modern methods of economic diplomacy, institutional foundations of foreign economic activity, priority directions of investment policy were studied.*

*Since the second half of the last century, Japan began to rely on economic diplomacy to solve problems in the field of foreign policy and national security, and promote national interests. From the second half of the 1960s to the mid-1980s, Japan's economic growth was mainly driven by exports. In the first half of the 80s, following the doctrine of "complex security", which has an important economic aspect, and seeking to reduce tensions in trade and investment relations with partners, Japan took measures to liberalize the market and support exports.*

*One of the pillars of Japan's modern economic diplomacy is its active participation in developing the norms and rules of the multilateral trade regulatory system. In search of the country's global position, the political establishment relies on economic diplomacy, sets international standards of trade and investment activity, and takes a leading position in the development of high-quality infrastructure. In the future, this direction is considered as a basis for expanding political influence in the international arena.*

**Key words:** foreign economic policy, methods and tools of economic diplomacy, foreign economic strategies, national interests in the world economy, institutional foundations of economic diplomacy, international trade, investment policy.

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада Япония иқтисодий дипломатиясининг ривожланиши тенденциялари, иқтисодий дипломатиянинг миллий манфаатларни илгари суришдаги роли, Япониянинг глобал ва минтақавий таиққи иқтисодий фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, таиққи иқтисодий фаолиятнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ёритилган. Шунингдек, Япониянинг халқаро ва минтақавий таиққилотлар, интеграцион уюшмалар доирасидаги иқтисодий дипломатияси, иқтисодий дипломатияни амалга оширишининг анъанавий ва замонавий усуллари, таиққи иқтисодий фаолиятнинг институционал асослари, инвестициявий сиёсатнинг устувор йўналишлари ўрганилган.*

*Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Япония таиққи сиёсат ва миллий хавфсизлик соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш, миллий манфаатларни илгари суришда иқтисодий дипломатияга таяна бошлади. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан 80-йилларнинг ўрталаригача Япониянинг иқтисодий ўсиши асосан экспорт ҳисобига амалга оширилди. 80-йилларнинг биринчи ярмида иқтисодий жиҳати муҳим бўлган “комплекс хавфсизлик” доктринасига амал қилиб, ҳамкорлар билан савдо ва сармоявий муносабатлардаги кескинликни камайтиришига интилиб, Япония бозорни эркинлаштириши ва экспортни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўрди.*

*Япониянинг замонавий иқтисодий дипломатиясининг устунларидан бири унинг кўп томонлама савдони тартибга солиш тизимининг меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этишидир. Мамлакатнинг глобал ўрнини излашда сиёсий истеблишмент иқтисодий дипломатияга таянади, савдо ва инвестиция фаолиятининг халқаро стандартлари ва юқори сифатли инфратузилмани ишлаб чиқишида етакчи ўринларни эгаллаш вазибаларини белгилаб беради. Ушбу йўналиш истиқболда халқаро майдонда сиёсий таъсирни кенгайтириш учун асос сифатида қаралади.*

**Таянч сўз ва иборалар:** таиққи иқтисодий сиёсат, иқтисодий дипломатиянинг усул ва воситалари, таиққи иқтисодий стратегиялар, жаҳон иқтисодиётида миллий манфаатлар, иқтисодий дипломатиянинг институционал асослари, халқаро савдо, инвестициявий сиёсат.

## АННОТАЦИЯ

*В данной статье описаны тенденции развития японской экономической дипломатии, роль экономической дипломатии в продвижении национальных интересов, особенности мировой и региональной внешнеэкономической деятельности Японии, политико-правовые основы внешнеэкономической деятельности. Также были изучены экономическая дипломатия Японии в рамках международных и региональных организаций, интеграционных объединений, традиционные и современные методы экономической дипломатии, институциональные основы внешнеэкономической деятельности, приоритетные направления инвестиционной политики.*

*Со второй половины прошлого века Япония стала опираться на экономическую дипломатию для решения задач в области внешней политики и национальной безопасности, продвижения национальных интересов. Со второй половины 1960-х до середины 1980-х годов экономический рост Японии был в основном обусловлен экспортом. В первой половине 80-х годов, следуя доктрине «комплексной безопасности», имеющей важный экономический аспект, и стремясь снизить напряженность в торгово-инвестиционных отношениях с партнерами, Япония приняла меры по либерализации рынка и поддержке экспорта.*

*Одним из столпов современной экономической дипломатии Японии является ее активное участие в разработке норм и правил многосторонней системы регулирования торговли. В поисках глобального положения страны политический истеблишмент делает ставку на экономическую дипломатию, устанавливает международные стандарты торговой и инвестиционной деятельности, занимает лидирующие позиции в развитии качественной инфраструктуры. В дальнейшем это направление рассматривается как основа для расширения политического влияния на международной арене.*

**Опорные слова и выражения:** внешнеэкономическая политика, методы и инструменты экономической дипломатии, внешнеэкономические стратегии, национальные интересы в мировом экономике, институциональные основы экономической дипломатии, международная торговля, инвестиционная политика.

Иқтисодий дипломатия халқаро муносабатларнинг муҳим соҳаси, жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон сиёсий жараёнларидаги динамик ўзгаришлар фониди ривожланиб бораётган йўналиш сифатида кўпгина тадқиқотчиларнинг қизиқишини уйғотиб келмоқда. Замонавий босқичда ташқи иқтисодий сиёсат, иқтисодий дипломатияга фанлараро ёндашув соҳага оид турли масалаларни ҳар томонлама кўриб чиқиш имконини беради.

Ривожланишнинг “иқтисодий мўъжиза”сидан кейин ўнлаб йиллар давомида Япония кўплаб мамлакатлар, айниқса Шарқий Осиё учун эталон бўлиб келди. Ҳозирги босқичда иқтисодий дипломатия методологияси ва воситаларини такомиллаштириш жаҳон сиёсий жараёнларидаги Япониянинг глобал ролини ошириш билан боғлиқ.

Ўтган асарнинг ўрталаридан бошлаб миллий манфаатлар ва давлат стратегиясини белгилаш ижтимоий-сиёсий муҳокамалар марказида бўлди. Японияда узок вақтдан бери кенг қамровли давлат стратегияси мавжуд эмаслиги ҳақидаги фикр кенг тарқалган бўлса-да<sup>1</sup>, шунга қарамай, мамлакат раҳбарияти ўз олдида стратегик мақсадларни кўйди ва уларга эришди. Урушдан кейинги йилларда нафақат иқтисодиётни жонлантириш, балки иқтисодий ривожланиш бўйича Ғарб мамлакатларига етиб олишга ҳам эришилди.

1950-йилларда ҳарбий-сиёсий воситалардан фойдаланиши чекланган Япония ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий дипломатияга таянди. Токионинг урушдан кейинги “Ёшида доктринаси” доирасида амалга оширган иқтисодий дипломатияси иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва АҚШ билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиш, шу билан бирга ҳарбий харажатларни сезиларли даражада чеклаш имконини берди.

1990-йилларда Хитойнинг жадал иқтисодий ўсиши ва АҚШнинг Осиёдаги роли ўзгариши фониди Япониянинг глобал ва минтақавий позициялари қайта белгиланди. Кейинчалик бу иқтисодий дипломатияга оид фундаментал ёндашувларни қайта кўриб

<sup>1</sup> Накасонэ Я. Государственная стратегия Японии в XXI веке. М.: NOTA BENE, 2001. – С. 19-46.

чиқишга олиб келди. 2011 йилда ташқи ишлар вазири С.Маэхаранинг асосий баёнотида иқтисодий дипломатия ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши деб эълон қилинди ва кейинчалик ташқи сиёсат бўйича “Мовий китоб”да шакллантирилди.

2010-йилларда Япония иқтисодиётидаги муаммолар сўнгги 40 йил ичида биринчи марта мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот бўйича жаҳон рейтингидаги иккинчи ўрнини йўқотиши натижасида юзага келди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, кейинги йилларда Япония ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 2 фоиздан ошмаган. Кузатувчилар иқтисодиёт учун асосий хавф омилларини туғилиш даражасининг пасайиши ва бунинг натижасида аҳолининг қариши, харид қобилиятининг пасайиши, бозор ва ишчи кучининг умумий қисқариши билан боғлашади. Бундай вазиятда ҳукумат олдида аввало, хорижий сармоя ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, туристлар оқимини кўпайтириш каби вазифалар туради. Шу билан бирга, халқаро савдони либераллаштириш ва тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилиш каби анъанавий устуворликларга бўлган ёндашувлар ҳам оптималлаштирилмоқда.

Халқаро савдони либераллаштириш Токио иқтисодий дипломатиясининг доимий устувор йўналиши ҳисобланади. Айнан Японияда ЖСТнинг етакчи роли остида шаклланган “эркин ва очиқ” глобал иқтисодий тизимдан фойдаланиб, мамлакатнинг йирик иқтисодий кучга айланиши илгари сурилади.

Ўтган асрнинг 60-йилларининг иккинчи ярмидан 80-йилларнинг ўрталаригача Япониянинг иқтисодий ўсиши асосан экспорт ҳисобига амалга оширилди. Вақт ўтиши билан ташқи бозорларни фаол забт этиш ҳатто асосий шериклар билан келишмовчиликларга сабаб бўлди. 1965 йилда Япониянинг АҚШга экспорти биринчи марта импортдан ошиб кетди. 1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзаро савдодаги салбий салдо Вашингтон учун Осиёдаги иттифоқчиси билан муносабатларидаги асосий муаммога айланди. Айнан ўша йилларда Япония капиталистик лагердаги шерикларнинг протекционистик чораларига дуч келди.

80-йилларнинг биринчи ярмида иқтисодий жиҳати муҳим бўлган “комплекс хавфсизлик” доктринасига амал қилиб, ҳамкорлар билан савдо ва сармоявий муносабатлардаги кескинликни камайтиришга интилиб, Япония протекционизм сиёсатини сусайтиришга қаратилган бозорини эркинлаштириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларни кўрди. Охир оқибат, ушбу чора-тадбирлар Япония иқтисодий операторлари учун хорижий бозорларда қулай шарт-шароитларни сақлаб қолишга ёрдам берди<sup>2</sup>.

Япониянинг замонавий иқтисодий дипломатиясининг устунларидан бири унинг кўп томонлама савдони тартибга солиш тизимининг меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишидир. Расмий Токио “савдо урушлари” даврининг қайта тикланиш тенденциясидан хавотир билдирар экан, ЖСТнинг халқаро савдони тартибга солишдаги марказий ролини таъкидлайди ва ташкилотни ислоҳ қилиш тарафдоридир. Шу билан бирга, Япония ўз фаолиятининг асосий масалалари бўйича Европа Иттифоқи ва Қўшма Штатлар билан ўзаро манфаатли савдони амалга оширишга имкон берувчи Америка услубидаги бозор тузилиши тарафдори сифатида ҳаракат қилмоқда.

“Мувозанатсизликни” тузатиш зарурлигини илгари суриб, Токио “учлик”нинг бир қисми сифатида жадал ривожланаётган мамлакатларда ортиқча ишлаб чиқариш қувватларининг пайдо бўлишига олиб келадиган sanoat субсидияларига қарши курашиш муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий сиёсатда “нобозор амалиёти”ни қўллаш, давлат компанияларини қўллаб-қувватлаш ва қўшма корхоналар ташкил этиш талаби орқали технологияларни мажбурий трансфер қилиш танқид қилинмоқда. Шу билан бирга, “учлик”нинг ЖСТни ислоҳ қилишга бундай ёндашувларида айрим кузатувчилар Хитойга қарши йўналишни кўрмоқда.

<sup>2</sup> Вербцкий С.И. Япония в поисках новой роли в мировой политике. М.: Наука, 1992. С. 130.

Халқаро савдони либераллаштириш йўлида G7 ва G20 форматлари, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик форумида иштирок этиш, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасидаги ишлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Муҳим жиҳати шундаки, 90-йилларнинг бошидан буён ЖСТ жаҳон савдосининг минтақавийлашувига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда<sup>3</sup>. Ушбу тенденцияни Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, жумладан, Япония ҳам фаол илгари суриб, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш ва уни трансминтақавий шаклларга айлантириш йўлини тутди. Токио эркин савдо битимлари ва иқтисодий шериклик тузиш орқали бошқа мамлакатлар бозорларига киришни осонлаштиришга интилоқда. Японияда 14 мамлакат ва иккита ассоциация – АСЕАН ва ЕИ билан икки томонлама эркин савдо битимлари иқтисодий шериклик келишувлари мавжуд. Кенг қамровли минтақавий иқтисодий шериклик (RCEP) доирасида, шунингдек, Колумбия ва Туркия билан ҳамда Япония-Хитой-Корея Республикаси уч томонлама форматда музокаралар давом этмоқда.

Японияда халқаро савдони либераллаштириш замонавий геостратегик архитектурани куриш бўйича кенгроқ сиёсатнинг элементи сифатида қаралади, бунда “Хитой омили” анъанавий равишда катта аҳамиятга эга. Хитой билан рақобат Япония ҳукуматини савдо-иқтисодий блокларни шакллантиришда фаол рол ўйнашга ундайди. Шу нуқтаи назардан, расмий Токионинг 2008 йилда АҚШ ташаббуси билан бошланган Транс-Тинч океани ҳамкорлигидаги иштироки бўйича позицияси муҳим эволюцияни бошдан кечирди.

Япония сиёсий ва ишбилармон доираларида дастлаб ҳукм сурган музокаралар жараёнига эҳтиёткорона ёндашувлар аста-секин трансминтақавий савдони тартибга солишнинг янги қоидаларини шакллантиришда фаол иштирок этиш заруратига айланди. 2017 йил январь ойида Трамп маъмурияти келишувдан чиқиш тўғрисидаги қароридан сўнг, Токио, хорижлик ҳамкорлар, биринчи навбатда, Чилининг ундови туфайли, 11 давлат (TPP-11) форматида битим тузишда етакчилик тизгинини ўз қўлига олди. Натижада ҳужжат матни рекорд қисқа муддатда келишиб олинди ва 2018 йилнинг март ойида имзоланди. Шартноманинг имзоланиши билан жаҳон савдосининг қарийб 15 фоизини қамраб олувчи ва 500 миллион кишилик сиғимли бозорни ташкил этувчи энг йирик эркин савдо зонаси ташкил этилди. TPP-11да иштирок этувчи мамлакатлар дунё ялпи ички маҳсулотининг қарийб 13 фоизини ташкил қилади. Ҳужжат иштирокчилар томонидан саноат товарларига нисбатан қўлланиладиган барча тарифларнинг 99 фоизи бўйича божхона тўловларини ногла тенглаштиришни назарда тутди. TPP-11 бўйича қабул қилинган қоида ва қарорлар энди “халқаро стандартлар” сифатида тақдим этилади.

Маълумки, Тараққиётга расмий ёрдам (ODA) – техник кўмак ва хорижий давлатларга беғараз грантлар ажратиш бўйича анъанавий равишда Япония ташқи сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб келган. 2010-йилларда ODA нинг иқтисодий дипломатия контекстига киритилиши унинг ташқи сиёсатдаги ролини биринчидан, мамлакат нуфузини ошириш ва жаҳон миқёсидаги иштирокини кенгайтиришнинг иқтисодий воситаси сифатида, иккинчидан, Япониянинг иқтисодий манфаатларини чет элда илгари суриш воситаси сифатида кучайтирди. Шу билан бирга, Япония Осиё мамлакатлари орасида бу соҳада монопол бўлишни тўхтатди. Хитой, Ҳиндистон ва Корея Республикаси каби тез ўсиб бораётган рақобатчилар пайдо бўлди, бу ўз навбатида бошқа омилар билан бир қаторида ODA бюджетини оптималлаштириш масаласини кун тартибига қўйди.

Япония Ташқи ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, ҳукумат аввалроқ хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида пассив позицияда бўлган. Бирок, ҳозирги босқичда, чет элда бизнес манфаатларини илгари суриш учун Токио барча мавжуд воситалардан, шу жумладан ODAдан фаол фойдаланади. Хориждаги давлат идораларига япон компанияларини қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган. Хусусий корхоналар

<sup>3</sup> Карро Д., Жюйар П. Международное экономическое право. М.: Международные отношения, 2001. С. 237-238.

фаолиятини дипломатик қўллаб-қувватлаш жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, чет элда фаолият юритувчи япон фирмалари сонининг йил сайин ортиб бориши кузатилмоқда.

2015 йилдан бошлаб Япониянинг деярли барча элчихоналари ва бош консулликларида “ягона дарча” механизми ишламоқда, бу эса бошқа манфаатдор вазирликлар билан келишилган ҳолда ва бир қатор ихтисослашган ташкилотлар, жумладан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO), Япония савдо суғуртаси корпорацияси (NEXI), Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кўмагида хусусий бизнесга маслаҳат беришни назарда тутди. Шу билан бирга савдо ва инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги асосий рол ўйнайди. Мазкур соҳадаги реал чора-тадбирлар жумладан, 1958 йилда ташкил этилган дунёнинг 54 та давлатида 74 та ваколатхонаси, шунингдек, Японияда 46 та ваколатхонасига эга бўлган JETRO компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

2016 йилда Япониянинг ўша даврдаги бош вазири С.Абэ “эркин ва очиқ Ҳинд-Тинч океани макон” стратегиясини қайта тиклади, унинг марказида икки океан маконида “қоидаларга асосланган тартиб”ни шакллантириш ғояси ётади. “Ҳинд-Тинч океани минтақаси” концепцияси Япония, АҚШ, Австралия ва Ҳиндистон ташқи сиёсатида Доналд Трамп маъмурияти уни амалга ошириш учун “карт-бланш” берганидан кейин ишлаб чиқилган<sup>4</sup>. Стратегиянинг қабул қилиниши Оқ уйнинг концептуал аппаратни ўзгартириш орқали Осиё йўналишидаги сиёсатга янги мафкуравий асос бериш учун президент Барак Обама меросидан воз кечилиши сифатида ҳам изоҳланади.

Мазкур концепция бир-бири билан чуқур боғланган иқтисодий, халқаро сиёсий ва ҳарбий жараёнларга асосланади. Бунинг энг характерли кўриниши Хитойнинг минтақадаги ҳарбий юксалишига қарши туриш учун АҚШ, Япония, Австралия ва Ҳиндистон иштирокида “тўртбурчак” яратиш ғоясидир.

Сўнгги пайтларда Япония инфратузилма лойиҳаларини хорижда илгари суришга анъанавий тарзда катта эътибор қаратмоқда. Дунёда, биринчи навбатда, жадал ривожланаётган мамлакатларда инфратузилмага талаб ортиб бораётганини ҳисобга олиб, Япония инфратузилма тизимлари экспортига таянмоқда. 2011-йилдан бошлаб инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида Япония элчихоналари ва бош консулликларига инфратузилма лойиҳалари бўйича алоқа ходимлари бириктирилган.

Ҳинд-Тинч океани стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, Токио 2017 йилда инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш бўйича тавсиялар ва тамойилларни қайта кўриб чиқди<sup>5</sup>. Ҳозирги вақтда концепция халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли инфратузилмани ривожлантириш орқали Осиё, Яқин Шарқ ва Африка минтақалари ўртасида институционал ўзаро боғлиқликни қамраб олади.

Шу нуқтаи назардан, Япониянинг Хитой томонидан илгари сурилган “Бир камар, бир йўл” концепциясига нисбатан дастлаб соф рақобатчи сифатида қабул қилинган позицияси ўзгаргани диққатга сазовордир. 2017-2019-йилларда Хитой билан муносабатларда йирик япон бизнесининг сиёсий важлар туфайли Хитойнинг учинчи мамлакатлардаги лойиҳаларидан узоклашиб, фойдадан маҳрум бўлишни истамасликлари ҳақидаги сигналлари фонида ҳукуматнинг ёндашуви ўзгарди.

2018 йил октябрь ойида С.Абэнинг Хитойга ташрифи чоғида ўтказилган музокаралар натижасида халқаро тараққиётга кўмаклашиш манфаатлари йўлида ҳамкорликдаги ишларни фаоллаштиришга қарор қилинган эди. Хусусан, учинчи мамлакатларда Хитой-Япония ишбилармонлик ҳамкорлигига кўмаклашиш кўмитаси ва тегишли форум ташкил этилди.

<sup>4</sup> Стрельцов Д.В. Индо-Тихоокеанский регион как новая реальность глобальной системы международных отношений // Международная жизнь. – 2018. №9.

<sup>5</sup> Diplomatic Bluebook-2018. – P. 326.

Учинчи мамлакатларда инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш бўйича биринчи маслаҳатлашувлар 2019 йил апрель ойида Пекинда Япония-Хитой олий даражадаги иқтисодий мулоқотнинг бешинчи йиғилиши доирасида бўлиб ўтди.

Кўринишидан, Япония ҳукуматининг ёндашувларидаги бундай мослашувчанлик, бир томондан, “Бир камар, бир йўл” доирасидаги Пекиннинг режаларидан “бохабар бўлиб туриш” истаги, иккинчи томондан, Токио учун стратегик аҳамиятга эга бўлган мамлакатлардаги саноат лойиҳаларида иштирокчи бўлиш истаги билан боғлиқ. Хусусан, Ҳиндистон, Малайзия, Индонезия ва Филиппинда тезюрар темир йўлларни куриш лойиҳалари, шунингдек, Шарқий Африка ва Шри-Ланкадаги порт инфратузилмаси шулар жумласидандир.

Япония иқтисодий дипломатиясининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бу шубҳасиз, энергетика соҳасидир. Бугунги кунда мамлакат энергетика балансининг 89 фоизи қазиб олинган ёқилғи турлари – нефт, табиий газ ва кўмирни импорт қилиш ҳисобига шакллантирилади. Мутахассисларининг фикрича, бу ҳолат энергия таъминоти хавфсизлигини ошириш зарурияти билан биргаликда Япония ҳукуматининг ресурсларга бой мамлакатлар, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш орқали муносабатларни мустаҳкамлаш истагини белгилайди<sup>6</sup>.

Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, Япония Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари орасида энергия билан ўзини-ўзи таъминлаш бўйича энг паст кўрсаткичлардан бирига эга. Шундай қилиб, Япония энергетика хавфсизлиги нуқтаи назаридан заиф ва ташқи бозорларга ва халқаро сиёсий вазиятга қарам бўлиб қолмоқда. Ҳукумат барқарор энергия таъминотини мақбул нархларда таъминлашга устувор аҳамият қаратмоқда, тегишли чоралар кўрмоқда, жумладан, жаҳон бозорида нефт ва газ етказиб бериш ҳажмининг ошишини ва шунга мос равишда миллий компанияларнинг бутун дунёда энергия ресурсларини ўзлаштиришдаги иштироки ҳисобига нархларнинг пасайишини рағбатлантирмоқда.

Япония томонидан илгари сурилган халқаро энергетика хавфсизлиги стратегияси импорт қилувчи давлатлар ва энергия ресурсларини ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқурлаштириш зарурлиги ҳақидаги постулатга асосланади. Токио энергетика соҳасидаги савдо ва инвестициялар бозорларга барқарор киришни таъминлаш учун эркин бўлиши керак деган асосдан келиб чиқади. Япония дипломатияси ихтисослашган ташкилотларда бу йўналишни давом эттирмоқда. Япониянинг 53 давлатдаги ваколатхоналари дипломатлари зарур маълумотларни тўплаш, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўналишларини баҳолаш ваколатига эгадир<sup>7</sup>.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари, айниқса Форс кўрфази давлатлари билан анъанавий яқин алоқалар сақланиб келинмоқда. “Кўрфаз дипломатияси” Япония ташқи сиёсатининг алоҳида диққат марказида бўлиб келган. Расмий Токио Қатар атрофидаги дипломатик инкироздан кейин ҳам Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгашининг барча давлатлари билан муносабатларда мувозанатни сақлаган ҳолда, ўзини минтақада “нейтрал ўйинчи” сифатида кўрсатиб келди.

Шу билан бирга Япония шимолий кенгликлардаги энергетика лойиҳаларида, жумладан, Россия Федерациясининг Арктика зонасидаги истиқболли газ лойиҳаларида иштирокини кенгайтиришдан манфаатдордир. Япония Арктикадаги иштирокини кенгайтиришни режалаштирар экан, Хитойнинг минтақадаги жадал ривожланишини ҳам ёдда тутди. 2018 йил октябрь ойида Япония ташқи ишлар вазири Рейкявикдаги “Арктика

<sup>6</sup> Okano-Heijmans M. Japan’s New Economic Diplomacy: Changing Tactics or Strategy? Asia-Pacific Review. Vol. 19. 2012. Issue 1. P. 62-87.

<sup>7</sup> Policy Speech on energy and resource diplomacy of Japan by Minister of Foreign Affairs Fumio Kishida at International Symposium in Tokyo «Energy Security and Investment in Asia». 13.07.2017.

доираси” конференциясида илк бор иштирок этди. Т.Коно ўз нутқида Россия билан ҳамкорликда Арктиканинг энергетика ресурсларини ривожлантиришга кўмаклашиш ниятини айтиб, ПАО «НОВАТЭК» ва Япониянинг нефть, газ ва металллар миллий корпорацияси (JOGMEC) ўртасида «Ямал СПГ» ва «Арктик СПГ-2» лойиҳалари доирасида ҳамкорлик қилиш имкониятларини амалга ошириш учун йўл очадиган ўзаро англашув меморандуми имзоланганини таъкидлади<sup>8</sup>.

2011 йилдан кейин Япониянинг энергетика соҳаси хусусан ядровий экспорт жиддий қийинчиликларга дуч келди, биринчи навбатда, “Пост-Фукусима” кучайтирилган хавфсизлик стандартлари жорий этилиши туфайли нархлар ва тақчиллик билан боғлиқ муаммолар юзага келди. Мамлакат ичида деярли тўлиқ “музлатилган” атом саноати иқтисодий дипломатиянинг истиқболли элементларидан бири ва ўсиш омили сифатида Абэ ҳукуматининг диққат марказида бўлди. 2018 йилда ҳукумат JBIC ва NEXI томонидан ажратилган кредит линияларини янгилаш орқали атом саноатида фаолият юритувчи экспортчи компанияларни молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди<sup>9</sup>. Бироқ, давлат томонидан бундай қўллаб-қувватланиш Япониянинг тинч атом учун жаҳон бозоридаги мавқеига сезиларли таъсир кўрсата олмади.

Атом электр станциялари қурилиши учун харажатлар сметасининг бир неча бор ошиши ва натижада станцияларнинг норентабеллиги натижасида 2018 йилда Туркияда “Митсубиши” ва Буюк Британияда “Хитати”нинг тегишли лойиҳаларда иштирок этишдан бош тортишига тўғри келди. Аввалроқ “Тошиба” АҚШдаги ядро саноати лойиҳаларидан бутунлай чиқиб кетишини эълон қилган эди. Шундай қилиб, кўпгина таҳлилчилар таъкидлаганидек, япон компанияларининг хорижда АЭС қуриш бўйича барча амалдаги шартномаларидан маҳрум бўлиши расмий Токионинг ядро технологиялари экспорти соҳасидаги стратегиясини муваффақиятсизликка олиб келди.

Замонавий Япония иқтисодий дипломатиясининг янги йўналишига ижобий имидж яратиш ва қўллаб-қувватлашни киритиш мумкин. Сўнгги йиллар тенденциялари шуни кўрсатадики, Токиода инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш билан боғлиқ мамлакат имиджининг иқтисодий жиҳатларига катта эътибор қаратилмоқда. Алоҳида йўналиш сифатида “япон бренди”ни илгари суришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Инсон ресурслари, технология ва маданият мамлакат брендининг асосини ташкил этувчи “уч устун” сифатида белгиланмоқда.

Хориждан сайёҳлар ва сармояларни жалб этишнинг асосий йўналишларидан бири ҳудудларнинг жозибadorлигини оширишдан иборат. Дипломатик корпус ва хорижий фирмалар учун мамлакат бўйлаб экскурсиялар ва тақдимотлар уюштириш анъанаси Япония префектураларини танитишда ҳам ёрдам бермоқда. 2017 йилда “Япония уйи” (Japan House) деб номланган лойиҳа ҳам ишга туширилди, унинг доирасида Лос-Анжелес, Лондон ва Сан-Паулуда япон марказлари очилди. Лойиҳанинг мақсади кунчиқар юрт маданияти, анъаналари, сиёсати ва бошқа турли жиҳатлари ҳақида хабардорлик ва қизиқишни оширишдан иборат.

Расмий Токио туризм индустриясини ривожлантиришни мамлакат иқтисодий фаровонлигини ошириш устунларидан бири сифатида баҳолайди. 2008 йилда Япония туризм агентлиги (JTA) ташкил этилди. Миллий қонунчилик мунтазам такомиллаштирилиб, тиббий туризмни ривожлантириш рағбатлантирилмоқда, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш чоралари кўрилмоқда, виза тартиби соддалаштирилмоқда.

Мутахассислар Японияга чет эллик сайёҳлар оқимининг кескин ошганини 2013 йилдан бошлаб Хитой, Таиланд, Филиппин каби давлатлар учун виза тартибининг соддалаштирилгани, Осиёда арзон авиакомпаниялар сонининг кўпайиши, иен курсининг

<sup>8</sup> Speech by Minister of Foreign Affairs Taro Kono at the Arctic Circle 2018 Opening Session in Iceland. 19.10.2018 // URL: <https://www.mofa.go.jp/files/000410409.pdf>

<sup>9</sup> Japan to resume aid for firms’ nuclear power plant exports // Japan Times. 20.02.2018.

кадрсизланиши билан изохламоқда. Шу билан бирга, ҳукумат чет эллик сайёҳлар оқимини 2030 йилгача 60 миллион кишига етказиш вазифасини қўйди. Японияда йирик халқаро тадбирлар –жаҳон кубоги, Олимпия ўйинлари, 2025 йилги Бутунжаҳон кўرғазмасини ўтказиш режалари фонида белгиланган мақсадларга эришиш мумкин кўринади.

Экспертлар “Катта йигирмалик”ни жаҳоннинг етакчи иқтисодиётлари ўртасида кенг қўламли глобал молиявий ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича кўп томонлама ҳамкорлик қилишнинг энг самарали формати, деб ҳисобламоқда. Япониянинг 2019 йилдаги G20 саммитига раислиги биринчи навбатда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларида ўз мавқеини мустақамлаш ва жаҳон савдо-иқтисодий кун тартибини илгари суришда мамлакатнинг етакчи ролини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Япония раислигининг устувор йўналишлари қаторига 2030 йилга қадар кун тартибини амалга ошириш орқали иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш, халқаро савдо, ЖСТ ислохоти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, рақамли иқтисодиёт, сифатли инфратузилмага сармоя киритиш, аҳолининг қариши, аёллар ролини кучайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, сунъий интеллектни ривожлантириш, юқори тезликдаги 5G Интернетни ўз ичига олган жисмоний ва виртуал маконнинг симбиози орқали “Жамият 5.0” концепциясини яратиш киради.

Янги тенденциялар орасида япон истеблишментининг иқтисодий дипломатия ва хавфсизлик соҳасида миллий стратегияни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган орган яратиш режалари ҳам бор. 2019 йил март ойида Япониянинг ҳукмрон Либерал-демократик партияси (ЛДП) бир гуруҳ депутатлари Вазирлар Маҳкамасига АҚШ Миллий Иқтисодий Кенгаши намунасидаги ички ва ташқи иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштирувчи давлат органини яратиш таклифини киритдилар. Парламент аъзоларининг изохлашича, ушбу тузилма иқтисодиёт, ташқи сиёсат ва хавфсизлик каби соҳаларда стратегик режалаштириш вазифаларини бажариши керак.

ЛДПда иқтисодий дипломатияни қайта форматлаш вазифасининг долзарблиги савдо-иқтисодий урушлар шароитида миллий компаниялар манфаатларини ҳимоя қилиш, Хитойнинг учинчи мамлакатларнинг ички ишларига таъсирини камайитириш зарурати, Хитой ва Қўшма Штатлар ўртасидаги юқори технологиялар соҳасидаги қарама-қаршиликларнинг чуқурлашиши, кибермакондаги таҳдидларнинг ўсиши билан оқланади. Шунингдек, 2019 йил апрель ойида бошланган Япония-Америка савдо музокаралари контекстида иқтисодий бўлимларнинг ёндашувларини мувофиқлаштириш муҳимлигига эътибор қаратилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қарийб уч чорак аср давомида Япония иқтисодий дипломатияси ташқи сиёсатининг асосий йўналиши бўйича шаклланиб, институционаллашиб борди. 2010 йилларда расмий Токио С. Ёшиданинг “енгил қуролланган савдо давлати” концепциясидан тизимли равишда воз кечиб, тўлақонли армияга эга “нормал давлат”га айланиш орқали урушдан кейинги синдромни енгиб чиқди. Замоनावий Япония эркин савдо, тўсиқсиз денгиз ва хавода ҳаракатланишни ўз ичига олган ушбу концепцияга сармоя киритиб, “қоидаларга асосланган дунё тартибини” сақлашда асосий рол ўйнашга интилади.

Мамлакатнинг глобал ўрнини излашда сиёсий истеблишмент иқтисодий дипломатияга таянади, савдо ва инвестиция фаолиятининг халқаро стандартлари ва юқори сифатли инфратузилмани ишлаб чиқишда етакчи ўринларни эгаллаш вазифаларини белгилаб беради. Ушбу йўналиш истиқболда халқаро майдонда сиёсий таъсирни кенгайтириш учун асос сифатида қаралади.

Япония иқтисодий дипломатиянинг анъанавий – халқаро савдони либераллаштириш, ривожланишга расмий ёрдам кўрсатиш, энергия хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилиш каби воситалари билан бир қаторда мамлакатнинг ижобий имиджини яратиш, инфратузилма лойиҳаларини хорижда илгари суриш каби янги, камроқ синовдан ўтган воситалардан ҳам тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Бундан ташқари, ҳукумат



йирик бизнес имкониятларини жалб қилган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштирувчи механизмларни ҳам такомиллаштириб бормоқда.

#### REFERENCES

1. Накасонэ Я. Государственная стратегия Японии в XXI веке. М.: NOTA BENE, 2001. – С. 19-46.
2. Вербицкий С.И. Япония в поисках новой роли в мировой политике. М.: Наука, 1992. С. 130.
3. Карро Д., Жюйар П. Международное экономическое право. М.: Международные отношения, 2001. С. 237-238.
4. Стрельцов Д.В. Индо-Тихоокеанский регион как новая реальность глобальной системы международных отношений // Международная жизнь. – 2018. №9.
5. Diplomatic Bluebook-2018. – P. 326.
6. Okano-Heijmans M. Japan’s New Economic Diplomacy: Changing Tactics or Strategy? Asia-Pacific Review. Vol. 19. 2012. Issue 1. P. 62-87.
7. Policy Speech on energy and resource diplomacy of Japan by Minister of Foreign Affairs Fumio Kishida at International Symposium in Tokyo «Energy Security and Investment in Asia». 13.07.2017.
8. Speech by Minister of Foreign Affairs Taro Kono at the Arctic Circle 2018 Opening Session in Iceland. 19.10.2018 // URL: <https://www.mofa.go.jp/files/000410409.pdf>
9. Japan to resume aid for firms’ nuclear power plant exports // Japan Times. 20.02.2018.